

Ўзбекистон Республикаси бюджет  
тизими бюджетларининг ғазна  
ижроси қоидаларига  
8-ИЛОВА

2022 й. "24"01 даги Ромитан туман Электр тармоқлари ва Олимпия ва миллий спорт турлари буйича Давлат иктисослаштирилган мактаб интернати ўргасида 5 999 850 умумий суммага тузилган 1- сонли шартномага

**ТУЛОВЛАР ЖАДВАЛИ**

Боб **245**

Шахсий ғазна ҳисобварақ **100021860062427092300245001**

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7092 30 0 245 (42 21 000)	...(*)	...(*)	
Январ	5 999 850			5 999 850
Феврал	0			0
Март	0			0
Апрел	0			0
Май	0			0
Июн	0			0
Июл	0			0
Август	0			0
Сентябр	0			0
Октябр	0			0
Ноябр	0			0
Декабр	0			0
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>5 999 850</b>			<b>5 999 850</b>

Жами 5 999 850 сўм (Беш миллион туккиз юз туксон туккиз минг саккиз юз эллик сум) сумма сўз билан.

Юқоридаги тулов жадвали буйича курсатилган суммадан ойига 100% 2022 йил жорий ойнинг охиригача ойлик равишда туланиши лозим.



Рахбар

Бош ҳисобчи

Ғазначилик бўлими

ҳодими қабул қилди

2022 й. «    »

(имзо)

(имзо)

Ж.Усмонов

(имзо)

Ф.Рахимов

Бюджетдан маблағ олувчи

ҳодими қабул қилди

2022 й. «    »

(имзо)

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

22 йил "24" 01

№ 1- сонли

Ромитан шаҳри

Ромитан туман Электр тармоқлари, (кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади) нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Файзиев Завкидин** бир тарафдан ва Ромитан туман Олимпия ва миялий спорт турлари буйича Давлат иктисослаштирилган мактаб интернати (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Ж.Усмонов** иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750 кВА ва ундан катта тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик "Қувват") учун ҳақ тўлайди.

## II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 13333 кВт/с ни ташкил қилади.\*

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 5 999 850 сўми, Қувватнинг нархи 450 сўми (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.\*

Шундан, бюджетдан маблағлари ҳисобидан **Беш миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг саккиз юз элик сум.**

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.\*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари буйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олинishi, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олинishi ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 13333 кВт.с.ни ташкил қилади.

## III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2. Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олинishi электр тармоқларининг баланс буйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш прибори баланс буйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатишга бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс буйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Қувватнинг шартномавий ҳажми нарҳини 50 фоизи миқдорда олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Қувват учун шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилади ва тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

Истеъмол қилинган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинганлиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчида турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект буйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Қувват) истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори буйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона

\* Изоҳ: Бюджет маблағлари буйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.

қўб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Қувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Қувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича кўшимча келишув тузишлари лозим. Кўшимча келишув тегишли Ҳазначилик бўлимида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиғда тўлов кунидан бошлаб кейинги 10 ойдан олмаган муддатта олдиндан тўланган Энергия миқдорига кўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Қувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблағларини йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкларига қатнашувчи юкларига қийматига камайтирилган Қувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Қувват)ни ўрнини тўлдириш учун четирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортқк бўлган Агробизнес истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, кишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Қувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Қувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчинини электр тармоғидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охириги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва Истеъмолчининг

4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона 3 иш кунни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун кўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов ҳужжатларини тақдим қилади.

Истеъмолчи кўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда конун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичинини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

#### IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Қувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узиб қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакилларидан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчинини огоҳлантиргандан кейин Энергия ва Қувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Қуйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳуқуқига эга:

а) Энергия (Қувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Қувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;

в) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда;

г) Энергия (Қувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;

д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Қувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;

е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;

ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавfli ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) Агробизнес корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария брониғача, тўлик узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлиқ харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб қилиш;
- в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлашни талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режалли таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узиллишлар тўғрисида узиб қўйишгача камида 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;
- д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;
- е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

### 5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
  - б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;
  - в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
  - г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмалари иш режимида (реактив энергия ва кувват истеъмоли) риоя қилиш;
  - д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан ошмаслик.
- Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва хабар қилиши шарт:
- истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;
  - ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳар суткалик сарфи;
  - ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

### 5.3 Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятларни бажарилишини талаб қилиш;
  - б) ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.
- ### 5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:
- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
  - б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;
  - в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;
  - г) жорий этгаладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;
  - д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;
  - е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоиздан ортиқ миқдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоиздан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия махсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдоридан пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманин 50 фоиздан ошмаслиги керак.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, ҳисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдоридан Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шarti билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимга риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Қувватнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун;

б) захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фойздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фойзи миқдорида қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча Қувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Қувватдан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлини масида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охириги ойн мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-1 асосан “Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” 12 2022 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.6 Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибда ҳал қилинади.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Корхона»

«Истеъмолчи»

Ромитан туман Электр тармоқлари

Олимпия ва миллий спорт турлари буйича Давлат иктисослаштирилган мактаб интернати ва (бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Почта манзили: Ромитан т.

Ҳисоб рақами : 22636000600487303324

Банк коди (МФО):00862

БУХОРО Ш.УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ АТБ БУХОРО

МИНТАКАВИЙ ФИЛИАЛИ

СТИР (ИНН): 201 188 400 ОКОНХ 11170

Телефонлар/ Факс:

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ)

МИОБТ (СОАТО)

Манзил: Ромитан шаҳар Гафур Гулом

Тел./факс: 65 55 2 15 10

ш/х 100021860062427092300245001

МФО:00014 ИНН: 202 998 444 ОКОНХ 92 310

Бухоро вилоят Ҳазначилик бошқармаси

ЯГХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош

бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО:00014

Ҳазначилик бўлини маси СИТИРн 201122919

Раҳбар Ж.Усмонов

(Ф.И.Ш.)

3.Файзиева

Ф.И.Ш. имзо

Электр таъминоти бўйича  
намунавий шартномага  
1-илова

Етказиб берилаётган Энергия (Кувват)нинг миқдори

1. Тариф гурухи
2. Фаолият тури Тош
3. Истеъмолчининг электр қурилмаларини уланган қуввати: 220 кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича): 3
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича амалдаги тоифаси: 3

1	Талаб этилган Кувват, кВт	Энергия миқдори, минг кВт.с	Жумладан тариф гуруҳлари бўйича			
			4	5	6	7
Йил, жами	13333					
I чорак	13333					
Январ	13333					
Феврал						
Март						
II чорак						
Апрел						
Май						
Июн						
III чорак						
Июл						
Август						
Сентябр						
IV чорак						
Октябр						
Ноябр						
Декабр						

2-устун Икки ставкали истеъмолчилар томонидан тўлдирилади.

Истеъмолчи  
Ромитан тумани М.У. Усмонов



Корхона  
Бухоро электр тармоқлари Ромитан туман филиали  
М.У.



Электр таъминоти бўйича  
намунавий шартномага  
2-илова

Энергияни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш жойлари ва характеристикалари.

Истеъмолчи, субистеъмол- чининг ҳисобга олиш приборларин и ўрнатиш жойлари. Тури ва кучланишни (кВ) кўрсатган холда	Ҳисобга олиш прибор- ларининг тури (актив, реактив), (номина л ток)	Ҳисобга олиш прибор- ларининг тартиб рақами	Ҳисобга олиш прибор- ларидаги клемма қопқоғи- нинг тамға рақами	Ўлчов трансформа- торларининг ўзгариш коэффици- ентлари		Ҳисоб -лаш коэфф -ти	Шартно- мани тузиш вақтида ҳисобга олиш прибор- ларининг кўрсаткич -лари	Тариф  1кВт.с/сўм  1 кВАр.с/сўм	Истеъмол- чининг фаолият турининг соҳа бўйича коди
				Ток	Кучла ниш				
КВ-ВА	УЛЕ	20144 64202	УЗБ-А	ε	1	1	495201	450	80101



*М.М. Усмонов*



Электр таъминоти бўйича  
намунавий шартномага  
3-илова

ДАЛОЛАТНОМА

хизмат кўрсатиш чегаралари ҳамда тармоқлар ва электр жиҳозларининг эксплуатация ҳолати учун жавобгарликни  
белгилаш бўйича

1. Истеъмолчининг балаңсида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари иуқ

б) кабел линиялари иуқ

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари К.ТНГ 623ТК-100кВ

2. "Истеъмолчи" ва "Корхона" ўртасидаги ажратиш чегараси электр қурилмаларининг баланс мансублиги бўйича  
аниқланади: роштар 4.ТД-6-3-РКР 250/100

3. Улардан:

а) Қуйидагиларга «Истеъмолчи» томонидан хизмат кўрсатилади \_\_\_\_\_

б) Қуйидагиларга Электр таъминоти корхонаси (ТЭТ) томонидан истеъмолчи билан шартнома бўйича хизмат  
кўрсатилади шартнома асосида

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик чегаралари қуйидагича  
белгиланади: КТК 623 и РКРДам





Электр таъминоти бўйича  
намунавий шартномага  
4-илова

ДАЛОЛАТНОМА  
энергия исрофларини аниқлаш бўйича

Энергияни ҳисобга олиш приборлари тармоқларнинг бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган бўлса, энергия исрофлари ҳисоб-китоб йўли билан тармоқларнинг баланс мансублигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, бу:

а) 100 кВА қувватли трансформаторларда актив энергиянинг ҳар ойдаги исрофлари 223 кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизни, реактив энергиянинг исрофлари 225 кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизни ташкил қилади;

б) Истеъмолчининг кабел линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги 214 \_\_\_\_\_ м;

Кесими \_\_\_\_\_ мм;

Русуми \_\_\_\_\_ ;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ, \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизни ташкил қилади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесими \_\_\_\_\_ мм;

Русуми \_\_\_\_\_ ;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ, \_\_\_\_\_ кВт.соатни ёки \_\_\_\_\_ фоизни ташкил қилади;

Ойлик йўқотилиш миқдори ҳисобот давридаги энергия истеъмоли миқдорининг \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади.

Корхона бир кунда 8 соат бир ойда 25 кун ишлайди.

Сменалар бўйича юкламалар нисбати фоиз ҳисобида I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_

Имзолар:



*Ш. Усмонов*

